

НАРХ-НАВО
ДОИМИЙ
НАЗОРАТДА

2-бет



ВАТАНИМ,
СЕНИ ҚАНЧА
АРДОҚЛАСАМ ОЗ!

4-бет

БЕМОР ДАРДИГА
ДАРМОН БҮЛИШ
САОДАТИ

5-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

2021 йил 27 апрель, сешанба. №43 (2948).

АХОЛИ САЛОМАТЛIGИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСИМ-ЖҮМарт ТҮҚАЕВ БОШ ВАЗИР АСҚАР МАМИН ВА
СОФЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ АЛЕКСЕЙ ЦОЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Давлат раҳбарига мамлакатдаги санитария-эпидемиологик вазият, ахолини эмлаш жараёни, шуннингдек, ижтимоий-иқтисодий тараққиёттинг долгзарб масалалари юзасидан маълумот берилди.

Қасим-Жұмарт Тұқаевга ахолини эмлаш юзасидан күрилаётган чоралар ҳақида ахборот берилди.

Асқар Маминнинг таъкидлашича, апрель ойидан этиборан ойига 2 миллионгача одамни эмлаш имкониятини яратиш режаланган.

Президентта маҳаллий QazVac вакцинасини минтақа-

ларга етказиб бериш борасида ҳисобот тақдим этилди.

– Қозғистон COVID-19га қарши вакцина ишлаб чиқарадиган ўнта давлат ва ўз ишланмаларини рўйхатдан ўтказган бешта мамлакат қаторига кирди, – деди

у. – 26 апрелдан этиборан барча соҳаларда «ASHYQ» дастуридан кенг фойдаланилади. Бу минтақаңын «қизил» ва «сарық» худудларга кирган пайтида икти sodиёттинг турли тармоқларига хавфсиз шароитда ишлаш имконини беради.

Давлат раҳбарига тақдим этилган маълумотларга кўра, ҳозирги пайтада юкумли касалликлар шифохонасининг ўринлаш 42 фоизга, интенсив терапия бўлимлари эса 28 фоиз тўлган. Дори ва ҳимоя воситаларининг зарурий захираси яратилди, ПЗР лабораторияларининг қуввати кунига 123 минг тестгача оширилди. Барча минтақаларда 25 мингдан зиёд ўрин, замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги юкумли касалликлар шифохоналари мавжуд.

Асқар Мамин, шунингдек, Қасим-Жұмарт Тұқаевга 29-30 апрель кунлари ўтадиган Евроосиё ҳукуматлараро кенгашининг мажлисига тайёргарлик ҳақида маълумот берди. Бундан ташқари, учрашув давомида сармояларни жалб қилиш, ахоли бандлигини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар кўтарилиди.

Учрашув якунида, Президент Ҳукуматга маҳаллий вакцина ишлаб чиқарышни кўпайтириш ва у билан фуқароларни таъминлаш доирасидаги тадбирларни алоҳида назоратга олишни топшириди.

Akorda.kz.

ФАХРИЙЛАР – МАЊНАВИЙ ПОЙТАХТДА

Буюк Ипак йўлидаги қадими шаҳар бугун туркий халқларнинг мањнавий пойтактига айланди. Арис шаҳри ҳокимлиги кўмаги билан маҳаллий фахрийлар ушбу шаҳарга ташриф буориб, янгилangan Туркистоннинг курилиши билан танишдилар.

Қозғистон Республикаси Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаев “Туркистон нафақат қозоқ халқи, балки бутун туркий олам учун муқаддас қадамжо. Туркистондаги меймoriй обидаларда ажоддларимизнинг юксак ақлзakovati ўз ифодасини топган. Бу беназир шаҳар инсониятнинг кўп асрлик тараққиёти гувоҳи ва тамаддуни дурдонасидир», деган эди. Шаҳарда қозоқ халқи учун муҳим қарорлар қабул қилинган.

Арис шаҳри ҳокими Гулжан Қурманбекова

Туркистон шаҳрида барпо этилаётган замонавий иншоотлар жаҳон меъморчилиги йўналишларини қамраб олган нодир қирралари билан унинг бунёдкорлик равнақида ўзига хос ўринни эгалламоқда. Уларнинг пайдо бўлишига қадим ва навқирон шаҳарнинг ҳар бир мавзееси ва турли даврдаги меймoriй тараққиёти ўз таъсирини кўрсатмоқда.

“Туркистонни тиклаш – мисли кўрилмаган, таҳсинга сазовор ташабbus. Мањнавий пойтактига равнақи учун барчамиз масъулмиз”, деба муқаддас шаҳарга сафарга чиқсан меҳнат фахрийларига оқ йўл тилади.

...Бугун қадими Туркистоннинг тепаликлари, шу жумладан, Култубе қалъаси, гумбазлари тонгги қўёш нурида ял-ял товланаётган обидалар, буюк алломалар мангу ором топган, бугунги авлодлари бунёдкорлик шавқи, эзгу ният ва мақсадларла янгилаётган бу азим шаҳар ўзининг яна бир муњаввар тонгини қарши олмоқда...

Туркистон вилоятининг минтақавий алоқалар хизмати.



ОНЛАЙН ҚАБУЛ – ЭЛГА МАҚБУЛ

Туркистан вилояти ҳокими Үмірзак Шүкев карантин талабларини ҳисобга олган ҳолда мінтақа ахолисининг шахсий масалалар бўйича саволларига онлайн шаклда жавоб берди. Вилоят раҳбарига 10 нафардан зиёд фуқаро мурожаат қилди.

Таъқидлаш жоиз, вилоят ҳокими карантин бошланганидан бўён онлайн қабулни тўхтатмади.

Туркистонликлар уй-жой, ер, ижтимоий масалалар, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда кичик бизнесни кўллаб-кувватлаш муаммоларини кўтардилар. Фуқароларнинг мурожаатларини тингланган мінтақа раҳбари барча масалалар амалдаги қонунчилик доирасида кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини маълум қилди.

Онаси саратор касаллигига чалинган туркистонлик фуқаро вилоят ҳокимидан моддий ёрдам сўради. Аёлга манзилли ижтимоий ёрдам тўла ҳажмда кўрсатилиди. Кафолатланган ижтимоий пакет, озиқовқат саватлари хайрия жамғармаси томонидан берилди.

Ўттор туманида истиқомат қилувчи фуқаро хўжалик иншоотлари куриш учун моддий ёрдам сўради. Мінтақа раҳбари вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбарига ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқарога имтиёзли кредит беришини топшириди.

Вилоят ҳокими мутасаддиларга баъзи бир қонуний асосга эга бўлмаган масалалар юзасидан мурожаат қилган фуқароларни ҳомийлар ёрдамида кўллаб-кувватлашни топшириди.

Мінтақа раҳбари раислигига ўтказилган қабулда Сариоғоч туманида истиқомат қилувчи фуқаро суд қарори билан уйсиз қолганини айтиб, ёрдам сўради. Вилоят раҳбари туман ҳокимига бу кекса онахонга ҳомийлик ёрдамини кўрсатишни топшириди.



– Ҳаётнинг ёзилмаган қонуни бу. Туман ҳокимлари, бундай инсонларга қонун доирасида ёрдам бериш йўлларини изланг. Балки ҳомийлар орқали ёрдам беришимиз керакдир. Учрашувга келган ҳар бир фуқаронинг муаммоси ортида бутун оиласи ва унинг яқинлари турибди. Шунинг учун биз бундай масалаларни имкон қадар ижобий ҳал қилишимиз зарур, – деди вилоят ҳокими.

Қабулда иштирок этганлар эски мактабни Маданият уйига айлантириш, қиши-

лоқнинг ички йўлларига сунъий тўсиқлар урнатиш ва қишлоқни ободонлаштириш каби масалалар юзасидан мурожаат қилишиди.

Үмірзак Шүкев туркистонликларнинг таклиф ва шикоятларини шахсий назоратига олди, мутасадди шахсларга ҳар бир фуқаронинг муаммосини қонун доирасида таҳлил қилиб, ҳал қилишини топшириди.

Туркистан вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

ШИФОКОРЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Туркистан шаҳрида “Қандли диабет ва паталогик семизликинні лапораскопиявий жарроҳлик орқали даволаш йўллари” мавзууда халқаро илмий-амалий анжуман ўтди.

Унда “Қозофистонлик бариатриявий ва метаболизм жарроҳлар жамияти” бирлашмаси президенти Ўрал Ўспанов иштирок этди. Шунингдек, Озарбайжон, Ўзбекистон, Россия ва Литвадан ташриф буюрган малакали жарроҳлар онлайн тартибида амалий ўтказишиди.

Сўнг Туркистан шаҳар марказий касалхонасида қандли диабет билан хасталанган уч нафар беморга лапораскопиявий жарроҳи қилинди. Уни профессор Ўрал Ўспанов ва Туркистан шаҳар марказий касалхонаси бош шифокори Жанбўлат Дилдабеков амалга оширишиди.

– Биз бугун пандемия туфайли онлайн анжуман ўтказаипмиз. Ҳозир элемиздаги шифокорлар ҳамда касалхонадаги замонавий ускуналари туфайли бир вақтда бир қанча амалиётни амалга



oshiishi имконига эга, – деди бирлашма президенти Ў. Ўспанов.

Таъқидлаш жоизки, Туркистан вилоятининг фуқаролари республика аҳамиятига эга шаҳарларга бориб жарроҳи қилдиришарди. Эндилика Туркистан шаҳар марказий касалхонасида ҳам лапораскопиявий жарроҳлик амалга оширилади.

Анжуманда иштирок этган шифокорлар хорижлик олим-

ларнинг сабогини тинглаб, малакасини оширишиди. Умуман, коронавирусдан вафот этганларнинг 90 фоизи қандли диабет ва семизлики мубтало бўлиб, хасталанганлар экан.

Тадбирнинг фаҳрий меҳмонлари ва иштирокчилари анжуманинг юқсанда даражада уюштирилганини таъқидлашиди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистан вилоятида Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишилаб Nur Otan партиясининг “30 эзгу иш” лойиҳаси доирасида “Шифокорларнинг ардоқлайлик!” хайрия тадбiri ўтмоқда.



ШИФОКОРЛАРГА ЭЪТИБОР

У Jas Otan ёшлар қаноти ташаббускорлигида давом этлати. Жасотанликлар Туркистан шаҳридаги қатор соғлиниң сақлаш муассасалари шифокорларига озиқ-овқат саватларини топширишиди. Тадбирда жами 20дан зиёд ийт-қиз иштирок этди.

– Юртимизда пандемия ҳали тугагани йўқ. Шу сабабли вилоят худудида хасталикка чалингандар сони кун сайн үсib боряпти. Ҳавфли хасталик билан фидойи шифокорларимиз курашмоқда. Шунинг учун уларга ғамхўрлик кўрсатишга қарор қилдик, – дейди партия раиси ўринбосари Қ. Жантуреева.

Nur Otan партияси вилоят филиалининг матбуот хизмати.

ЭҲТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАР ОЗАЙМОҚДА

Туркистан шаҳри бўйича 2021 йилнинг 3 ойида 1791 оиласа манзилли ижтимоий ёрдам тайинланди.

Бугунги синовли даврда эҳтиёжманд оиласалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ёрдамга муҳтоҳ қатлами ҳар доимигдан ҳам кўпроқ эҳтиборга муҳтоҳ. Шу сабабли ўтган ойда «Халқ» хайрия жамғармаси «Эл таяни – Элбоши» номли кенг қамровли хайрия акциясини бошлади. Тадбир Қозофистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллигига бағишиланади.

Эзгулик тадбiri доирасида алоҳида парваришига муҳтоҳ болаларни тарбиялайдиган 2000та кам таъминланган оиласа ғамхўрлик кўрсатиш режаланган.

Туман ва шаҳар бандик ҳамда ижтимоий дастурлар бўлими, қишлоқ ҳокимликлари ва «Халқ» хайрия жамғармаси вакиллари билан ҳамкорликда ушбу озиқ-овқат саватларини рўйхатга киритилган ҳар бир оиласа етказиб беради.

Жорий йилда бундай акция бир неча бор ўтказилади.

2021 йилнинг 3 ойида Туркистан шаҳрида истиқомат қилувчи 1791 оиласа манзилли ижтимоий ёрдам тайинланди. Шуни таъқидлаш жоизки, жорий йилда вилоят марказida кам таъминланган фуқаролар сони камайган. Яъни, 2020 йили муҳтоҳ оиласалар улуши 14,1 фоизни ташкил қилса, 2021 йилда 9,1 фоизни ташкил этмоқда.



МЕДИАЦИЯГА УСТУВОРЛИК БЕРИЛАДИ

ҚРнинг янги маъмурий тартиб-таомил-процессуал кодексига мувофиқ, судьялар маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга барча вазиятларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текшириш ҳуқуқига эга. Яъни, суд келгусида маъмурий жараён иштирокчиларининг тушунтириш хатлари, аризалари, шикоят ва тақдим қилинган далилларни билан чекланиб қолмайди. Буни Туркистан вилоят судининг судьяси Аянбек Тўқсанбаев брифингда маълум қилди.

Шунингдек, мажлисида далолатномалар ва маъмурий ишга оид бошха материаллар ҳам инобатга олинишини таъқидлади.

Кодекс 1 юлдан кучга киради.

– Суд фаолиятига жўшқинлик берадиган яна бир қонун – ўтган йил 29 июнь куни Президент имзолаган “ҚР маъмурий тартиб-таомил-процессуал кодекси”. Ушбу қонунга биноан судья яныгай ваколатлар берилган. Яъни, судья маъмурий ишнинг қонуний доирасида ўз фикрини билдириши мумкин. Аввалги қонунда судьяга бундай ҳуқуқ берилмаган эди. Шу боис, судья иш юзасидан ўз фикрини айтиши шарт эмас эди, – деди Аянбек Бекежанули.

Яна бир янгилик, суд ўз ташаббуси билан ёки маъмурий жараёнда иштирок этувчиларнинг асосли талабига биноан қўшимча материаллар ва далилларни тўплай олади.

Туркистан вилоят судининг судьяси Буркит Байдуллаевнинг айтишича, қонунда “Яратшириш таомили” кенг қўлланилади. Агар иш медиация йўли билан ҳал бўлса, иккى томоннинг розилиги ёзма равишида тасдиқланади.

Агар битим шартлари қонунга зид бўлса, суд уни тасдиқлайди. Шунингдек, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ҳуқуқий манфаатларини бузадиган шартномаларга ҳам йўл қўйилмайди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

НАРХ-НАВО ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Вилоят ҳокимлиги томонидан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бугунги кунда минтақада эртапишар карам Туркистан шаҳридаги “Олтин булоқ” бозори, 13та ижтимоий дўкон ва 5ta ийрик супермаркетларда килоси 60-65 тенгедан сотилмоқда.

Шунингдек, бу йил барқарорлаштириш жамғармасига кўшимча 2000 тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари (гречка – 220 тн., карам – 535 тн., 1 навли буғдой уни 153 тн., қанд 502 тн., гурч 243 тн., макарон маҳсулотлари 61 тн., кунгабоқар мойи 357 тн.) харид қилинди.

2020 йили тадбиркорлик субъектларига 0,01 фоиз билан 5ta 115 млн. тенге насиya берилди, 870 тоннадан зиёд ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотлар сотилди. Жорий йилда тадбиркорлик субъектларидан ташқари, гўшт, сут, парранда гўшти, тухум ва сабзавот етишириувчиларга 400 млн. тенгегача насиya бериш кўзланган.

Туркистан вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

● Обуначиларимиз орасида

ИШ БОШИ – ИНТИЗОМ

ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ АНЖУМАНИ

Туркистондаги Дилбар Дијметова раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли мактабда республикамиз таълим соҳаси касаба уюшмалари раҳбарлари иштирокида анжуман ўтди.

Мактаб касаба уюшмаси қўмитаси раиси Бахтиёр Абдураимов Нур-Султан шаҳридан ташриф буюрган Қозоғистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раисаси Айгул Муқашева, ҚР Касаба уюшма-




– Давлатимиз, ҳукуматимизга мактабларга, устозлар аҳлига ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдираман. Келаси ой поёнида ўқитувчилар ўртача 500-600 минг тенге маош билан ёзги таътилга чиқади. 30 йил муқаддам, Мустақилликнинг дастлабки йилларида, жамиятимиз бозор иқтисодиётига энди кўчаётган оғир паллада ойлик маош олти ойлаб берилмасди. Ёзги таътил маоши ўрнига ўқитувчиларга буғдо бериларди. Касаба уюшмаси аъзолари билан бамаслаҳат ҳолда буғдо ўрнига ун олиб бердик. Шаҳардаги кам таъминланган оиласлар учун ҳокимликдан ҳашар усули билан битта ўй куриб бериш вазифаси юкландигина кўпчилик билан кенгашиб, ўзимизнинг мактабимизда ўйга муҳтоҷ ходим учун бошпана куриб берган эдик. Ҳозирги паллада мен раҳбарлик қилаётган мактаб касаба уюшмаси қўмитаси меҳнат муносабатлари, ойлик маош тўлаш, меҳнат баҳслари ҳамда даволаниш каби аксарият масалаларда мактаб маъмурияти, устозлар билан ўзаро ҳамкорликда мақбул натижага эришаётганимиз ҳам

шикояти ва эътирози асосида вилоят, вазирлик ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларга ижтиёмий тармоқ орқали мурожаат этиб, ижобий натижага эришамиз. Ўзбек тили бўйича шаҳарда ўтган олимпиада вилоят босқичида тўхтаб қолди. Бир ёқадан бош чиқарип ҳаракат қилган эдик, масала ҳал бўлди. Лекин, олимпиаданинг Республика босқичи ҳали ҳал бўлмади. Туркистон ҳамда Жамбил вилоятлари, шунингдек, Шимкент мегаполисини жамласак, республика босқичини ташкил этиш мумкин. Мактабимизда янги спорт майдони ҳамда ўқув биноси курилиши талай йиллар бўйи пайсалга солинмоқда. Бугунги нуғузли меҳмонларимиз, ОАВ мухбирлари, депутатлар билан ҳамкорликда ушбу муаммолар ечимида эришамиз, наисб этса, – деди Бахтиёр Қаҳҳор ўғли.

Минбарга кўтарилиган Айгул Мақсатқизи мактаб касаба уюшмаси қўмитаси раиси Бахтиёр Абдураимовга республика миёқесидаги фаоллиги, жонкуярлиги ва пешқадамлигини тилга олиб, кўп йиллик самара ради мөхнати учун маҳсус кўкрак нишонини тақдим этиди. Шундай мукофот мактабга самара ради раҳбарлик қилаётган директор Дилбар Дијметолова ҳам тантаналиравишида тақдим этилди. Устозлардан Алия Тўйлибаева ва Умид Салоҳиддиноваларга фахрий ёрликлар топширилди.

Устозлар Сайёра Мадалиева ҳамда Мавжуда Райимжоновалар давлат тилида маҳоратли бошқарган, мусиқа ўқитувчиси Маҳмуджон Тўёнов тайёрганинг Туркистон ҳақидағи ватанпарварлик қўшиқлари, айниқса,



Замир Муҳаммаджонов, Ҳусан Убайдуллаев, Жаҳонгир Соидиков, Элёр Убайдуллаевлар фаол иштироқида тайёрганиб, чоп этилган “Кёне білім ордасы” китоби билан эсдалик совғалари тақдим этилди. Машхур ёзувчилар Одил Ёқубов, Носир Фозилов, Совет Иттиғоқи қаҳрамонлари Қурбонбой Ирисбеков, Расул Исетов, Файзулла Йўлдошев, гвардиячи полковник Олимжон Муҳаммаджонов, мөхнат қаҳрамонлари Майшай Абенова, Эргаш Иззатуллаев каби жуда



лари федерацияси раиси ўринбосари Нурлан Үтешов, касаба уюшмаси ҳукуқ бўлими раҳбари Райхан Қидирбаева, Туркистон вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси Ўринбосари Жандўс Шайдулла, Туркистон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Диана Турманова ҳамда ушбу ташкилот раҳбари

маслаҳатчиси Гулжан Асилбаева, мөхнат фахрийлари – Замир Муҳаммаджонов, Абдулла Отаметовларга ташриф учун миннатдорчилик билдириди.

Б. Абдураимов 1991 йиллардаги оғир палладан бошлаб асосий мақсади устозлар манфаатини қонун доирасида ҳимоя қилиш бўлганини таъкидлаб, мактаб касаба уюшмасидаги фаолияти ҳақида гапириб берди.



муваффақият гарови. Сўз боши салом, иш боши интизом, деган нақл бор. Касаба уюшмаси аъзолари – устозлар билан бамаслаҳат интизом масаласида муштарак қарор қабул қилиниб, амалда қатъий жорий этилди. Дарсга эрталаб кеч келган устоз тушунириш хат ёзиб беради. Амалда бундай тартиб яхши натижа бермоқда. Ваъда қилинган, аммо бажарилмайтган ишлар, ўринсиз чеклашлар, устозлар

чавандоз либосидаги жажжи ўқувчи Достон Отаевнинг қўшиқлари гулдурос қарсаклар билан олқишлианди. Нуғузли меҳмонлар илтимосига биноан Достон Отаев ижросида ўзбекча шўх қўшиқ янграганида барча мөхмон ва мезбонлар рақсга тушиши. Мөхмонларга мактабнинг бир асрлик юбилейи шарафига устозлар Маъмурда Убайдуллаева, Абдулҳаким Ҳадиевлар муаллифлигига ҳамда

кўп таниқли, ҳурматли инсонлар таҳсил олган мактаб музей экспонатлари билан танишиб, аълочи ўқувчилар Назокат Умарова ҳамда Умидда Файзихоноваларнинг маърузаларини тинглаган меҳмонларда яхши таассурот қолди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тадбирдан лавхалар.

Муаллиф тасвирлари.

● Истиқолга – 30 йил

ВАТАНИМ, СЕНИ ҚАНЧА АРДОҚЛАСАМ ОЗ!

Ватан, бу – илк нафас, күздаги нур, томиримиздаги қон. Ватан – она каби ягона, муқаддас. Ватан – аждодларимиз умр кечирған, бизни гұдаклигимиздан аллалаб, ардоқлаб келаёттан мунаввар рүйи замин бу! Отадай жонажон, онадек меҳрибон бу құтлуғ маконни ҳар қанча севсак, ардоқласақ вада мадх әтсак-да кам.

Одамзод уч нарсаны ўз ихтиёри билан танлаш имконига эга эмас: ота-онани, Ватанни ва құшнини. Шу боисданми, киши киндиқ қони томган тұроқни, ота-онани, оиласы Ватанни ҳамиша азиз билади, улар билан фахрланиб, ғурурланиб яшайди.

Жорий йил Мустақил Қозоғистоннинг 30 йиллigenini нишонлаймыз. Ота-бо боларимизнинг асрлар бўйи орзу ва армони бўлган обод ва ҳур Ватанда яшаш бахти бизнинг авлодга насиб этди. Истиқол том маънода эркинлик берди. Мустақиллик туфайли одамлар онги-шуури ўзгариб, турмушни фаровон қилиш, рўзгорни обод қилиш учун меҳнат қилишни ўрганди. Муҳими, бунинг учун кенг имкониятлар эшиклари очилди. 30 йилда мамлакатимизда улкан ва тарихий ўзгаришлар юз берди. Сўнгги йилларда тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этаетган Қозоғистон “Осиё Барси” дарражасига кўтарилиб, нафақат Марказий Осиё, балки бутун МДХ давлатлари ва дунё мамлакатлари орасида етакчи давлатга айланди.

Мустақил диёримизда таълим соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Элбошимизнинг бевосита ташабуси билан “100та мактаб, 100та касалхона”, “Балапан” дастурлари туфайли ижтимоий соҳада жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Шахсан ўзим истиқомат қиласидан Шымкент шаҳрининг Қизилсу мавзесида замонавий янги мактаб, янги болалар

боғчаси қурилди, йўллар таъмирланиб, аҳоли фаровонлиги ошди. Мустақиллик туфайли олий таълим йўналишида ҳам катта ижобий ўзгаришлар гувоҳи бўялпамиз. Айниқса, “Болашак” давлат дастури асосида қозоғистонлик талаба-ёшлиримиз ҳам дунёнинг турли чеккаларида нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Зоро, Қозоғистоннинг келажаги баркамол ёшлиримиз қўлида. Дарҳақиқат, қайси юртнинг фарзандлари оқил ва доно бўлса, шу юртда юксалиш бўлади, деб бежиз айтилмаган.

Мустақил диёримизнинг яна бир ёрқин ютуғи – янги пойтахтимиз Нур-Султан шаҳрининг барпо этилиши. Янги Қозоғистоннинг фахри, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида намоён этган пойтахтимиз – фахримиздир. 30 йилдаги бунёдкорлик ва турли соҳалардаги муваффақиятларга нигоҳ ташлар эканмиз, қалбимизни келажакка ишонч ва шижоат туйғуси қамраб олади. Бу ютуқлар “Қозоғистон - 2030” дастурининг амалдаги ижроси.

Ватанимизда 130дан зиёд турли этнос вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Туркистон вилоятида 20дан зиёд турли этномаданият бирлашмалари фаолият



юритади, кўплаб ўзбек тилида таълим берадиган мактаб ва болалар боғчалари, ўзбек тилида газета-журналларимиз бор.

Бизнинг орзу-умидларимиз бисёр. Мақсадимизга эришиш учун куч-ғайратимизни юрт тараққиёти, ҳалқ фаровонлиги йўлида сафарбар эта олсан, нур устига нур.

Келажак авлодга муносиб таълим-тарбия бериш ҳар бир устознинг олий бурчи. Азиз ва ҳур Ватани эъзозлаш, қадрига этишини ўқувчилар онгига сингдириш –

бевосита, биз, муаллимларга боғлиқ. Бугун ҳар бир ватандошимиз истиқол менга нима берди, деб эмас, мен жонажон Ватанимга, унинг порлоқ истиқболи учун, Мустақиллик учун, ҳур ва нурли хаёт учун қандай ҳисса қўшяпман, деган тушунча билан яшасак, нур устига нур.

Тамара ПАРДАБЕКОВА,
114-сонли “Сайрам” ўрта
мактабининг ўзбек тили ва
адабиёти ўқитувчиси.

РАҚАМЛАШТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИГА АЙЛАНАДИ

ТОШКЕНДАГИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АНЖУМАНИДА ҚОЗОҒИСТОННИҢ ҲУҚУҚИЙ РАҚАМЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ



Тошкентда «Tashkent Law Spring» II Халқаро ҳуқуқ анжумани ўтди. Тадбирнинг мақсади — ҳуқуқни ривожлантириш муаммолари ва замонавий тамоилларини муҳокама қилиш учун етакчи халқаро ва маҳаллий эксперталарни жамлаган ҳолда очиқ мулқот майдончасини барпо этиш эди.

Анжуман иштирокчиларига Қозоғистон ҳуқуқий тизимини рақамлаштиришнинг роли тўғрисида КР «Қонунчилик ва ҳуқуқий тадқиқотлар институти» маълумотлар базасини шакллантириш департamenti директори Лилиана Цай ахборот берди.

— Қозоғистон ҳуқуқий тизими институтини яратиш XX асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Кейинчалик республика андазалар банкини яратиш мақсадида 1997 йилда Қозоғистон Республикаси мөъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестри жорий этилди. Давлат реестрига киритилган актлар ўша пайтда қозо шаклида шаклланган Маълумот банкига киритилиши керак эди. Замон талабларини инобатга олган ҳолда, 2015 йилга қадар Маълумот банкининг электрон тuri яратилди, — деди қозоғистонлик эксперт.

Маърузачининг сўзларига кўра, маълумот банкини яратишда қўлланилган ёндашувлар кейинчалик қонунчилик тизимида янгиликларга мослашиш имконини берди. «Хусусан, Қозоғистонда мөъёrlар яратиш жараёнини қулаглаштиришнинг навбатдаги босқичларидан бири бу ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни автоматлаштириш эди.

— 2019 йилдан эътиборан мөъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатлар автоматик равишида Маълумот банкига юборилади. Илгари ушбу тоифадаги мөъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат органлари томонидан қозо шаклида тақдим этиларди. Исплоҳотлар туфайли меҳнат ва вақт сарфлари камайтирилди, ҳуқуқий-мөъёрий ҳужжатларни расмий равишида электрон шаклда чоп этиш масаласи ҳал қилинди, — деди Л. Цай.

Кейинчалик мутахассис форум иштирокчиларига «Адилет» ҳуқуқий ахборот тизимини шакллантириш тўғрисида маълумот берди. «Тизим («Адилет») 2012 йилдан бўён интернетдаги оммавий доменда фаолият юритади. Тизимни жорий этишининг муваффақиятли тажрибасини хисобга олган ҳолда, ушбу ресурс асосида 2017 йилда Қозоғистон Республи-

каси давлат органларининг таҳлилий ва социологик тадқиқотларининг яона маълумотлар базаси яратилди. Бугунги кунга келиб, манба 2000 дан зиёд тадқиқотларни ўз ичига олади. 2019 йилда «Адилет» тизимида хизмат кўрсатишнинг янги тuri – виртуал маслаҳатчи пайдо бўлди. Бу Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ва ахборот хизмати томонидан ахолига белуп ҳуқуқий маслаҳат бериш восита-ларидан биридир. Ушбу блок доирасида бугунги кунгача 6 мингдан зиёд маслаҳат берилди, деб таъкидлadi маърузачи.

Шунингдек, Л. Цай маърузасида ҳуқуқий порталнинг тижорат нусхасининг янги маҳсулотлари – «Қонун» маълумотлар базаси ҳақида ахборот берди.

— Тизимда мижозларимизнинг истакларини инобатга олган ҳолда онлайн ва

оффлайн шакллар мавжуд. Шунингдек, ҳужжат таҳририни таққослаш, матнини тинглаш, ўрнатилган Google таржимони, лотин алифбосига транскрипцияси, ҳуқуқий маслаҳат олиш мумкин. Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, шунинг баробарида, хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш ҳамда ушшан жиноятчиликни кескин камайтириш имконини берар экан. Рақамлаштириш мамлакатдаги барча соҳа ва тармоқнинг юксак ривожига жиддий туртки бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, рақамли иқтисодиёт ушшан жиноятчилик ва «яширин иқтисодиёт»нинг асосий кушандасидир, – деда хуолосалади мутахассис.

Бундан ташқари, форум давомида “Давлат хизматлари соҳасидаги илғор амалиёт”, “Рақамли муҳитда ҳуқуқий ахборот тарқатиши истиқболлари”, “Электрон нотариат”, “Адвокатурани ривожлантириш ҳамда фуқаролик жамиятини тақомиллаштириш” мавзуларида давра сұхбатлари, “Маълумотлар ва ахборот бошқариш” мавзусида маҳорат сабоги ўтди.

«Tashkent Law Spring» II Халқаро ҳуқуқ анжумани 25 дан зиёд хорижий давлатлар ва 20та халқаро ташкилот вакилларини бирлаштириди. Интернет-анжуманда Қозоғистон, Озарбайжон, Беларусь, Россия, Сингапур ва Ўзбекистон адлия вазирлари маърузачилар сифатида қатнашдилар.

24 kz.

ФИДОЙИЛИК – УМР БЕЗАГИ

“Жанубий Қозоғистон” газетаси 30 йил мобайнида кўп жонкуяр муштарийлар, дўстлар ортириди.



Катта ҳаётай тажриба тўплаб, уни ўз китобларида келажак авлодга мерос қилиб қолдираётган фахрий Турдали Усмонов шундай жонкуярларимиздан биридир.

Ёши 90га етиб қолган оқсоқолнинг доно фикрлари, мулоҳазалари кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга беихтиёр чорлайди. Ундан маънавий баҳра олиш, сиз, азиз муштариға ҳавола.

...1989 йилнинг охирларида Чимкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси Туар Ибраевнинг қабулига камина, раҳматли Фарҳод Асилов ва фамилияси ҳозир ёдимда йўқ, раҳматли Ўмар ака учовимиз кирдик. Мақсадимиз – Қозоғистонда ўзбек газетасини очиш эди...

Газета очиш тадбирига вилоятнинг барча нуқталаридан фаоллар бир ёқадан бош чиқариб киришиб кетдилар. Москвага хат ёзилди. Дастрраб, раҳбарлар “бюджетда маблаг йўқ” деган баҳона билан қаршилик қилишди. Ниҳоят, миллатдошларимизнинг астойдил елиб-югуршилари беиз кетмади.

1990 йил охирларида Сайрам туман “Меҳнат байроби”, “Знамя труда” ва “Еңбек туы” газеталари бош мұхаррири Юсуфжон Сайдалиев раҳбарлигига бир гурӯх фаоллар “Дўстлик байроби”нинг нишона сонини чоп этишга эришдик. 1991 йил баҳорида Собиржон Юсуфалиев ва дастлабки ходимлар газетанинг биринчи сонини чоп этиб, ғайрат камарини маҳкам боғлаб, ишга киришиб кетишиди. Шу тариқа, не-не машақкатлар билан “Дўстлик байроби” бўй кўрсатди. Ва 30 йиллик вақт шамолига асло итоат қилмай, мустаҳкам оёққа туриб олди.

Мана ҳали-ҳануз, “Жанубий Қозоғистон” билан ҳамнафасман. Уйимда нишона сонидан тортиб, то бугунги сонигача бор. Тахлам-тахлам қилиб, эҳтиётлаб сақлаб қўйганман. Нашрнинг ҳар бир янги сонини эринмай, күнт билан ўқиб чиқаман, имкон топсам, эски, сарғайиб кетган сонларини ҳам кўздан кечираман.

Мен учун қадрдан рўзномам мисли сўз ҳазинаси, қимматли, аҳамиятли аҳборот манбаси, ҳикмат ўргатадиган ўзига хос бир мактаб.

Бешта китоб чиқарган бўлсам, шуларда “Жанубий Қозоғистон”нинг қаерда, қачон яратилганини, кимлар елиб-юргурганини қайд этганин, шунингдек, Қозоғистондаги илк ўзбек газеталарининг давлат архивларида тарихий маълумотларини ҳам келтириб ўтганди.

Мана уч йилдирки, “Жанубий Қозоғистон”ни шимкентлик қариялар олиши қийинлашди. Сабаби, ушбу нашр вилоят газетаси бўлгани, Шимкент шаҳри эса республика аҳамиятига молик ме-

гаполисга айлангани боис фахрийлар кенгаси томонидан обуна қилинмаяти.

Шу ерда тарихга тўхталсан. Биз, фахрийларга, яъни шаҳарлик уруш қатнашчилари ва фронторти меҳнаткашларига мутасаддилар “Оңтусік Қазақстан” ва “Южный Казахстан” газеталарини обуна қилиб беришарди. “Нима учун “Жанубий Қозоғистон” йўқ?, десам” елка қисишарди. Вақти беҳуда ўтказмай, таҳририята бордим.

Фахрийдин Қоратоев бош муҳаррир эди у пайтда. “Бирга борамизми?” деди дарҳол. “Йўқ, ўзим аввал ҳарарат қилиб кўрай” деб, қатор идоралар эшигини қоқдим. Шу-шу “Жанубий”ни шимкентлик фахрийларга давлат ҳисобидан обуна қилиб берадиган бўлишиди. Даставвал, 79 одам олди, кейин уруш фахрийлари сони камайгач, фронторти меҳнаткашларига бера бошладик. Абай тумани фахрийлар кенгаси фаоли, маҳалла қўмитаси раиси сифатида ҳар обуна мавсумида “Жанубий Қозоғистон”га ёздириб боришни асосий масала деб билардим.

Газетамизга шундай ижобий мunoсabatda bўлган отахонни тенгиз давлат десак бўлади. Ахир, орамизда 30 ёшга тўлган нашрони ақалли бирор марта варақлаб кўрмаган, ҳаттоки, у ҳақда эшитмаган миллатдошларимиз ҳам топилади-ку.

– Таҳририятнинг бугунги фаолияти ҳақида нима дейсиз?

– Жамоа раҳбари Алишер Сотволдиев кексаларнинг ўғит, панд-насиҳатларига амал қилиб турди, уйимга келганида, кутубхонамдаги китобларимга қараб завқланганидан мамнун бўлдим. Китоб муҳлиси экан. Китоб аслида кишига нафақат илму ҳикмат, балки таскин-тасалли ҳам беради. Агар ҳикматли сўзлар, ҳикояту ривоятлар бўлмаса, одамлар турмуш машқатларига асло тоқат қила олишмасди. Улардаги мұжассам бой ҳаётай тажриба кишиларга тогдек таянч. Ағфуски, ўқимаган, уқмаган одамлар кўп орамизда. Бирор менга “китоб чиқариш ҳам иши?” деган эди. Ўшандан битта мақола ёзиб беришини сўрадим. Бир саҳифадан нарига ўта олмади, гапидан ўзи уяди. Шу боис таҳририятда қалам тебратадиган ходимлар меҳнатини юқори баҳолайман. Ижод қилиш ҳар кимнинг қўлидан келаверадиган иш эмас. Сўзнинг сирли ҳазинасидан ҳар ким ҳам фойдалана олмайди. Истагим, газетада мантиқа, одамийлик, ахлоққа чорловчи ҳаётай воқеалардан иборат мақолаларни бериб бориш ўринли. Журналистларни ўйдаги қимматли кутубхонамдан (1000та китоб) фойдаланишга, 20 кишини карантин талабларига риоя қилган ҳолда бемалол шаҳмат-шашка ўйнаб, ҳордиқ чиқаришга, хотиржам маслаҳатлашиб, кўнгил кўзларини очишга, бир-биримизга ўзаро таянч бўлишига чорлаб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча “Жанубий Қозоғистон”ларни, ходимлари, муҳлисларини мұхим сана билан кутлайман. Рўзномани сақлаб қолишиб, уни узоқ йиллар халқ билан бирга бўлиш, бойиб, ҳақиқий маданий меросга айланишдек хайрли ишига ўз ҳиссаларини кўшишига даъват этаман.

Таҳририят, ўз навбатида, отахоннинг фарзандлари Муродали, Гофирали, Султонали, Баҳтали, Гулениса, 17 неваҳа, 32 эвара ардоғида кексалик гаштими суроётган, УВУ фронторти фахрийси, ҚРнинг фахрий нафақадори, фахрий металлург, минтақа зиёлларининг сардори ва унинг турмуши ўртоги, газетамизнинг ашаддий муҳлисаси 84 ёшли Муборак опага миннамдорчиллик билдириб қолади.

Н. МАВЛОНОВА.

● Обуначиларимиз орасида

КУТУБХОНАЧИЛИК – ШАРАФЛИ КАСБ



Ўткир Құдратов раҳбарлик қилаётган “Тошоноқ” ўрта мактабидаги кутубхонага Дилхумор Йўлдошева мудирилик қиласи. У бошқа расмий нашрлар категорида “Жанубий Қозоғистон” газетасини устозлар ҳамда ҳамқишлоқларига етказиб беришда жонкуяр, фидойи.

– Ўранғай қишлоғида туғилиб, вояга етганман. Шу қишлоқдаги М. Ауезов номли мактабда, Туркистон шаҳридаги тиббиёт билим юртида, сўнгра университетларда биология ҳамда кутубхоначиллик соҳалари бўйича олий маълумот олганман. Учта дипломим бор. Умр йўлдошим, тадбиркор Фозил Саидазим ўғли билан фарзандларимиз – ветеринария соҳасида самарали меҳнат қилаётган Бобир, университетни физика-математика бўйича аълого тамомлаб, магистратурада таҳсил олган, мактабимизда пешқадам устоз бўлган Қодир ҳамда олий маълумотли Феруза, мактаб ўқувчиси Нодира – фахримиз. Келин ва кўёв Зилола ҳамда Курбонбек хонадонимизда ҳам хизматда ҳам иззатда. Ширин-шакар невараларимиз оиламиз қувончи ва ишончи.

Ёшлигимдан спортнинг кўл тенниси билан шуғулланганман. 2014 йили Туркистон шаҳри бўйича спортнинг шу турдан чемпион бўлганман. Жорий йил – туркий олам миқёсида Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Буюк Алишер Навоий асос соглан она тилимизда давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатини тарғиб қилаётган

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг мустақил Қозоғистон тенгдоши сифатида 30 ёшга тўлиши барчамиз учун муштарак маънавият байрамидир, – дейди Дилхумор.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Суратда: Д. Йўлдошева оиласи даврасида.

